

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЙНАРОВ ОБИДЖОН ҲАМИД ЎҒЛИ

**ТУРКИСТОН АССРДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ
(1918–1924 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси афтореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Жайнаров Обиджон Ҳамид ўғли

Туркистон АССРда адлия органлари фаолияти

тарихи (1918–1924 йй.).....3

Жайнаров Обиджон Ҳамид угли

История деятельности органов юстиции в

Туркестанской АССР (1918–1924 гг.).....25

Jaynarov Obidjon Khamid ogli

History of the activities of the justice authorities

in Turkestan ASSR (1918–1924 years).....47

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЙНАРОВ ОБИДЖОН ҲАМИД ЎҒЛИ

**ТУРКИСТОН АССРДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ
(1918–1924 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tar305 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.puu.uz>) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) мақолаларига жойлаштирилган.

| | |
|--------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович тарих фанлари номзоди, профессор |
| Расмий оponentлар: | Маҳкамова Надира Раҳмановна тарих фанлари доктори, профессор Маликова Гулчехра Рихсиҳўжаевна юридик фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Самарқанд давлат университети |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 10 соат 14 дақиқасида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қavat, 110-аудитория.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: paika@puu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (93 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди
(2021 йил «__» _____ дақиқасида _____ рақамли реестр баённомаси билан).



Х.Э.Юнусова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси в.б. т.ф.д., профессор

Б.Б.Хайназаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.У.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қoшидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги глобаллашув шароитида адлия органлари фаолиятига замонавий бошқарув усуллари, рақамли технологияларни жорий қилиш муҳим вазифалардан бири саналади. Шунингдек, жамият ҳаётида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тараққиёт ва ҳуқуқий фаолиятни ривожланишида адлия органларининг тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда бир қатор давлатларда адлия органлари ва муассасаларида кадрлар фаолиятини тўғрли йўлга қўйиш ва уларни самарали бошқариш учун HR-менежмент тизими йўлга қўйилган. Мазкур жараёнлар давлат ва жамият бошқарувида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашга хизмат қиладиган қонунларнинг яхлит тизимини яратиш ҳамда уни муҳофаза қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дунё миқёсида адлия органлари тизимининг шаклланиш босқичлари, прокуратура, адвокатура ва нотариат органларида кечган ўзгаришлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида адлия органларининг тутган ўрни, адлия органлари фаолиятининг назарий методологик-таҳлилига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг белгиланган ҳуқуқий меъёрларга амал қилаётганлиги устидан тўла назорат олиб бориш, адлия органларининг жамоатчилик билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқарув органлари ва ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш борасида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, кўрсатилаётган юридик хизматларни тизимлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот олиш эркинлигини ошириш, адлия органларининг нуфузини кўтариш, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш каби ишлар амалга оширилмоқда. “Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш¹” адлия органлари фаолиятида асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боисдан адлия органлари фаолиятига инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали “виртуал адлия” тизимини йўлга қўйиш, адлия органларининг шаклланиш босқичлари, уларнинг муҳим жиҳатларини очиб бериш ҳамда бу борада илмий-тадқиқотларни кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 107.

2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 124-сон “Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва соҳа доирасида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси². Тадқиқ қилинаётган мавзунинг тарихшунослик масалаларини қамраб олган илмий изланишлар даврий жиҳатдан уч гуруҳга: совет даврида чоп этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва хорижлик муаллифлар томонидан яратилган асарларга ажратилиб ўрганилди. Мавзу доирасида олиб борилган изланишлар диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфда атрофлича таҳлил қилинган.

Мавзуга доир тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, совет даврида амалга оширилган илмий изланишларда қўйилган масалага бир ёқлама ҳукмрон мафқуранинг қарашлари асосида ёндашилган бўлиб, Ватан ва хориж тарихшунослигида Туркистонда адлия органларининг 1918–1924 йиллардаги фаолияти яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2017–2020 йилларда амалга оширилган ОТ-Ф1-109-сонли “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари тарихи (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1918–1924 йилларда Туркистонда совет ҳокимиятининг қарор топиши ва мустаҳкамланиши шароитида адлия органлари фаолияти тарихини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўлкада адлия тизими шаклланишининг тарихий босқичлари, мавзунинг манбавий асослари ҳамда тарихшунослик масалаларини очиқ бериш;

Туркистонда совет давлатининг бошқарув тизими, унинг мустаҳкамланишида “инқилобий адлия органлари”нинг ролини кўрсатиш;

Туркистон Адлия халқ комиссарлигининг ташкил этилиши ва

² Диссертациянинг “Манбалар ва тарихшунослик масалалари” деб номланган параграфда батафсил ёритилган.

фаолияти, унинг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнини очиб бериш; советлар жорий этган суд тизимининг Туркистон ўлкаси халқлари ҳаётига жорий қилиниши, совет ҳукуматининг маҳаллий судлар фаолиятига кўрсатган таъсири, унинг оқибатларини таҳлил этиш;

ўлкада совет прокуратураси органларининг ташкил қилиниши ва фаолиятидаги зиддиятли ҳолатларни аниқлаш;

большевикларнинг аҳолига юридик хизмат кўрсатувчи соҳалар, жумладан адвокатура ва нотариат органлари соҳасида олиб борган давлат сиёсати ҳамда унинг оқибатларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Туркистон ўлкаси адлия органларининг 1918–1924 йиллардаги фаолияти тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги фаолияти, совет ҳукуматининг суд-ҳуқуқ сиёсатида маҳаллий аҳолининг муносабати, адлия органлари тизимидаги кадрлар ижтимоий-иқтисодий аҳолида рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг тарихийлик тамойиллари, объективлик, тизимли, қиёсий таҳлил, шунингдек, муаммовий ва фанлараро ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Туркистон Адлия халқ комиссарлиги ўлкада совет ҳукуматининг ҳуқуқ ижодкорлиги, “пролетар қонунчилик”ни систематлаштириш ва кодификатлаш, ҳуқуқий тартибга солиш ишларини амалга оширишда Ички ишлар халқ комиссарлиги, фавқулодда комиссиялар ва фавқулодда тергов комиссиялари маълум даражада тўсқинлик қилганлиги, давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасалар ҳамда аҳолига зарур декрет ва фармойишларни ўз вақтида етказиб бера олмаганлиги оқибатида жамият ҳаётида ҳуқуқий чалкашликлар, нигилизм рўй берганлиги исботланган;

пролетар қонунчилиги асослари ишлаб чиқилгандан сўнг, уни муҳофаза қилувчи алоҳида орган сифатида Туркистон АССРда совет прокуратураси ташкил қилинганлиги, давлат прокуратураси бир қатор бошқарув органлари, жумладан, Туркистондаги большевиклар партияси, ижроия қўмиталарнинг бевосита таъсири ва кўрсатмалари остида фаолият олиб борганлиги далилланган;

Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги таркибидаги судлов органлари турли (айниқса сиёсий) масалаларга оид суд ишларини корхона, завод, қишлоқ ҳамда овулларнинг ўзларида очик равишда кўриб чиқиш амалиётини қўллагани ҳолда совет давлати “афзалликлари”ни тарғиб қилиш орқали пролетариат диктатурасининг қарор топишида алоҳида ўринга эга бўлганлиги асосланган;

адлия тизимида кадрларни лавозимга танлаш жараёнида уларнинг билими, тажрибасига эмас, кўпроқ ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашларига эътибор берилганлиги натижасида собиқ империянинг кўплаб адлия ходимлари хизмат вазифаларидан ассосиз четлаштирилганлиги,

аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида тушунарли, содда тартиб ва қонун-қоидаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида маҳаллий аҳоли нотариал ишларни амалга ошириш, белгиланган тартибда оқловчилар хизматидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Адлия тарихи музейининг фондларини маълумот ва экспозициялар билан бойитишда фойдаланилган;

ёшлар онгида Туркистон АССРда совет сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг ўрнатилиши моҳиятини англаб етишига, уларда тарихий онгининг шаклланишига, давлат мустақиллигининг аҳамиятини тушунишига ва уни мустаҳкамлашга бўлган интилишни янада кучайтиришга хизмат қиладиган таъсири кўриб чиқилган;

Туркистон АССРда совет адлия органларининг ташкил қилиниши ва дастлабки фаолиятига тегишли кўплаб архив манбалари ва улардаги тарихий фактлар илк маротаба илмий истеъмолга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, илмий истеъмолга киритилмаган кенг ҳажмдаги архив манбалари, даврий матбуот материаллари, статистик тўпламлар ва адабиётлардан олинган маълумотлардан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Туркистон АССР адлия органлари фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар тарихийлик, объективлик принципларига таяниб, бирламчи тарихий манбалар асосида очиб берилганлиги ҳамда муаммога оид методологик-услубий ёндошувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг совет даври тарихига доир тарихий билимларни янада чуқурлаштириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш, жумладан, Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини ёзишда, “Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи” фанидан ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув дастурларини қайта шакллантиришга, мазмунан бойитишга ҳамда янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажариш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда тоталитар тузум ҳукмронлигининг дастлабки йилларида адлия органларининг шаклланиши ва фаолиятининг мазмун-моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга қаратилган тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклиф-тавсиялардан:

Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлигининг ташкил қилиниши, фаолияти, комиссарлик таркибий тузилиши, унинг ваколат ва

вазифалари, ТАССР ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳамда ундаги кадрлар масаласи бўйича олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Адлия тарихи музейининг “Туркистонда Адлия халқ комиссарлигининг ташкил қилиниши ва фаолияти” бўлимини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 17/6-5/13623-сон далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши музейни соҳага тегишли фактик материаллар, манбалар ва тарихий фотосуратлар билан тўлдиришга хизмат қилиб, адлия ходимларининг бу даврдаги фаолиятига ҳолисона баҳо бериш имкониятини берган;

Туркистон АССР ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жумладан, Адлия халқ комиссарлиги, судлов муассасалари ва давлат прокуратураси органларининг тузилиши, уларнинг вазифалари ҳамда фаолияти ҳақидаги натижалардан “Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи” дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-148 рақамли гувоҳномаси). Натижалар республика олий ўқув юртларининг 5220300–Архившунослик бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг ТАССР адлия муассасалари фаолияти тўғрисида билим ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилган;

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг адлия органлари фаолиятида рўй берган ўзгаришлар, аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш борасида Адлия халқ комиссарлиги томонидан амалга оширилган чоратadbирлар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисидаги илмий натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Taqdimot” дастурининг “Туркистонда совет ҳукуматининг аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсати (1917–1924 йиллар)” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 02-40-886-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар ўлкада совет ҳукуматининг аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида олиб борган давлат сиёсати ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари бўйича жами 17 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (6 та республика ва 2 та чет эл журналларида) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Туркистонда адлия тизими шаклланишининг тарихий босқичлари, мавзунинг манбавий асослари ва тарихшунослиги”**га бағишланган бўлиб, унда “адлия”, “адлия органлари” тушунчалари, ўлка адлия тизими шаклланишидаги тарихий босқичлар, совет адлия тизимининг ўзига хос хусусиятлари, ўлкада совет адлия органларининг дастлабки фаолиятига оид манбалар ҳамда адабиётлар таҳлил қилинган.

Ўрта Осиё халқларининг турмуши асрлар давомида ислом қонунчилиги – шариат асосида тартибга солинган бўлиб, “ўша даврда суд, прокуратура, адвокатура, нотариат умуман адлия органларига тегишли вазифаларни қозилар бажарган”³. Шунингдек, адлия тизимида шайхулислом, садр, муфтий, мухтасиб, мутавалли ва бошқа амалдорлар ҳам катта ўринга эга бўлган. Туркистонда Россия империяси ҳукумронлиги даврида адлия соҳасида мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш кўрилди. Империя маъмурлари аста-секинлик ўлкада адлия соҳасини метрополия манфаатларига тўла мослаштириб борди.

Россияда император ҳокимиятига барҳам берилгандан сўнг, совет ҳокимияти томонидан коммунистик мафкурага мос бўлган, пролетариат диктатурасига хизмат қиладиган ҳуқуқий тизим концепцияси ишлаб чиқилиб, совет адлияси амалиётга фаол жорий қилинди. Туркистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида большевиклашган советлар ва совет Туркистони ҳукумати “пролетар” мустабид давлатининг ажралмас қисмини ташкил этувчи аппаратни шакллантиришга бор куч-ғайратларини сарфладилар. Мана шу мақсадда умумроссия схемасига мувофиқ қисқа муддат ичида “инқилоб душманлари”ни йўқ этишга даъват қилинган “инқилобий судлар”, прокуратуралар, ЧК органлари, инқилобий трибуналлар ташкил этилди⁴. Адлия органлари ҳар қандай вазиятда ўлкада пролетариат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тартибни таъминлаш билан бир қаторда, кенг меҳнаткаш халқ оммасини социалистик руҳдаги қонунлар воситасида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат органларидан бири бўлиб қолди.

Туркистон ўлкасида адлия органларининг 1917–1924 йиллардаги фаолиятига оид манбаларни: 1) архив ҳужжатлари; 2) нашр қилинган

³ Адлия бошқармаси: ҳуқуқий ислохотлар йўлида / Нашрга тайёрловчилар И. Нишонов, М. Эркабоева, Ш. Каримова. – Фарғона: Фарғона, 2012. – Б. 12.

⁴ Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 204.

меъёрий-хукукий хужжатлар ва материаллар; 3) даврий матбуот материаллари; 4) статистик тўпламлар каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Архив хужжатлари. Тадқиқотда Ўзбекистон Миллий архиви (ЎЗМА)нинг Р-17, Р-25, Р-34, Р-38, Р-39, Р-64, Р-343, Р-344, Р-360, Р-368, Р-904-фондларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви (Тошкент МДА), Тошкент вилоят давлат архиви (Тошкент ВДА)да сақланаётган хужжатлардаги маълумотлар ҳам илмий истеъмолга киритилган.

Туркистон АССР адлия органлари фаолиятининг моҳиятини илмий-назарий таҳлил қилишда РСФСР ва ТАССРларнинг олий ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинган декрет, низом, йўриқнома ва қарорлар меъёрий-хукукий хужжатлар тўпламлари тарзида нашр қилинган⁵. Бундан ташқари адлия таркибидаги органларнинг фаолиятига доир хужжатли материаллар ҳам чоп қилинган⁶.

Туркистонда адлия органлари фаолияти ўша даврдаги вақтли матбуот жумладан, “Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики”, “Еженедельник советской юстиции”, “Вестник юстиции Узбекистана”, “Спутник советского юриста”, “Советское право” сингари журналлар⁷, ҳамда “Известия ТурЦИК”, “Туркистон”, “Стенная газета Роста”, “Наша газета”, “Туркестанская правда” каби газеталарда⁸ ҳам атрофлича ёритилган.

Статистик тўпламларда⁹ ўлка адлия муассасаларининг сони, штат жадваллари, кадрларнинг миллий ва ижтимоий таркиби, маълумот даражаси ва ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

⁵ Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 января 1917 г. По 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918. – 37 с.; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 46 с.; История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917–1954 гг. Сборник документов. – Москва: Госюриздат, 1955. – 636 с.; История советской Конституции. Сборник документов 1917–1957 гг. – Москва: Изд-во АН СССР, 1957. – 551 с.; Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918–1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электронный ресурс]. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. – 156 с. URL: <http://istfil.bgpu.ru/>.

⁶ История советской прокуратуры в важнейших документах. – Москва. Юрид-изд, 1947. – 544 с.; История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922–1951)). / Под ред. К.А. Мокичева. – Москва: Госюриздат, 1952. – 584 с.

⁷ Приказ Совет Комиссаров Туркестанской Республики // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – Ташкент, 1919. – № 2. – С. 2-3; Об изменении такси оплаты нотариальных действий // Спутник советского юриста. – Москва, 1923. – № 5 (8). – С. 74; Аронович А. Распределительные комиссии // Советское право. – Москва, 1923. – № 1 (4). – С. 86-91; Енисейской. В губернской Коллегии защитников // Еженедельник советской юстиции. – Москва, 1924 – № 31. – С 736.

⁸ Открытие краевого съезда судебных деятелей // Наша газета. 17 мая 1918 г; Положение о революционных трибуналах // Известия ТурЦИК. 13 февраля 1920 г; Курсы судебных работников // Стенная газета Роста. 6 октябрь 1920 г; Коммунист Г.А. Государственная прокуратура // Известия ТурЦИК. 2 июля 1922 г; 1-й съезд деятелей юстиции Узбекского народа // Известия ТурЦИК. 12 июля 1922 г; Киселев А. Советская адвокатура // Туркестанская правда. 7 декабря 1922 г; В органах юстиции // Туркестанская правда. 8 мая 1924 г.

⁹ Статистический ежегодник. – Москва: Типография МКХ, 1922. – 425 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. I. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. – 451 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. II. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. – 600 с.

Туркистонда адлия органлари фаолиятига оид изланишларни хронологик жиҳатидан учта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: биринчи гуруҳ – совет даври адабиётлари; иккинчи гуруҳ – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; учинчи гуруҳ – хорижий нашрлар.

Совет адлия органларининг фаолиятига доир изланишлар XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. Совет тарихшунослигининг дастлабки йилларида яратилган асарлар¹⁰, мақолаларнинг¹¹ кўпчилиги адлия тизимида фаолият юритган шахслар томонидан ёзилган. Гарчи уларда совет адлия органлари фаолияти тўла ёритилмаган бўлса-да, мавзунинг у ёки бу жиҳатларига эътибор қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг 30-йиллари боши – 50-йилларнинг ўрталарида адвокатура, прокуратура, судлов органлари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар яратилди¹². Уларда совет адлиясининг “халқпарварлиги” тўғрисидаги ғояларга алоҳида урғу берилган. Жумладан, Х.Сулайманова, А.Расулевларнинг ўлкада совет судларининг шаклланиши ва фаолиятига бағишланган изланишларида ҳам ушбу ғоя етакчи роль ўйнайди¹³.

Совет даврининг “илиқлик” ва “турғунлик йиллари”да ҳам адлия органларининг алоҳида тармоқлари бўйича кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари¹⁴, монографиялар¹⁵, тўплам ва илмий мақолалар¹⁶ ўқув

¹⁰ Крыленко Н. Суд и право в СССР: теоретический и практический комментарий к основам судостройства, судопроизводства и материального уголовного права СССР. В 3-х ч. – Москва-Ленинград: Госиздво, 1927–1930.; Стучка П. Курс советского гражданского права. Т. 1. Введение в теорию гражданского права. Изд. 2-е. – Москва: Изд-во Коммунистической Академии, 1928. – 232 с.

¹¹ Шарафутдинов А. Верховный суд УзССР // Вестник юстиции Узбекистана. – 1925. – № 1. – С. 78-80; Уразаев А. Судебные органы Узбекской Советской Социалистической Республики // Вестник юстиции Узбекистана. – 1925. – № 2-3. – С. 53-63; Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках // Советское право. – 1927. – № 1. – С.132-146.

¹² Кожевников М. Советская адвокатура. – Москва: Юрид. изд-во НКЮ СССР, 1939. – 52 с.; Шаламов М. История советской адвокатуры. – Москва, 1939. – 64 с.; Садовников И. Совет суди буржуазия судидан тамомила фарк қилади. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1949. – 31 б.; Крахмальник Л. Совет халқ судининг тузилиши ва фаолиятининг демократик асослари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 51 б.; Бакиров Ф. Совет суди чинакам халқ судидир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957. – 52 б.; Инояттов Т. Суды советского Узбекистана в борьбе с феодально байскими пережитками. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1958. – 42 с.

¹³ Сулаймонова Х. Исторический очерк о создании советских судов в Узбекистане // Советское государство и право. – 1949. – № 3. – С. 61-69; Создание и развитие советских судебных органов в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.): Дисс... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1952. – 192 с.; Расулев А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – 188 с.

¹⁴ Касимова М. Создание и развитие советской прокуратуры в Узбекистане: Дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1965. – 223 с.; Иркаходжаев К. Организация и деятельность Верховного суда Узбекской ССР: Дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1965. – 251 с.; Маннанов В. Борьба за укрепление социалистической законности в Туркестанской АССР и создание советской прокуратуры: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1967. – 19 с.; Ахмадеев А. Возникновение и развитие советского исправительно-трудового законодательства и исправительно-трудовых учреждений в Узбекской ССР (1917–1926 гг.): Дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1972. – 224 с.; Гагиев М. Верховный Суд Автономной Советской Социалистической Республики: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Москва, 1972. – 38 с.; Абидова Н. Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР (1917–1928 гг.): Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1974. – 32 с.; Махбубов М. Создание и развитие адвокатуры в Узбекистане: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1975. – 30 с.

¹⁵ Тўхтажўжаев И. Совет суди – дунёда энг демократик суд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – 23 б.; Бакиров Ф. СССРда суд ва прокуратура тузилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962. – 152 б.; Саркисянц Г. Адвокатура Советского Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1972. – 80 с.; Новиков С. Прокурорская система в СССР. – Москва: Юрид. лит, 1977. – 208 с.

адабиётлари¹⁷ чоп этилди. Хусусан, Х.С.Сулайманова ва А.И.Ишановлар муҳаррирлиги остида 1960 йилда чоп этилган “История советского государства и права Узбекистана” номли китобда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРда совет бошқарув органларнинг ташкил қилиниши ва фаолияти, ТАССРда совет қонунчилиги асосларнинг жорий қилиниш босқичлари, уларнинг моҳияти, судлов органлари фаолиятининг йўлга қўйилиши, бу борада большевиклар ҳукумати томонидан амалага оширилган ишлар каби масалалар ёритиб берилган. Таъкидлаш керак, ушбу асарда ҳам коммунистик мафкура асосидаги ғоялар етакчи роль ўйнаб, совет қонунчилиги ва судлов тизимининг пролетар аҳоли ҳаётида ижобий ўрин тутганлиги кўрсатиб ўтилган.

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярми – 90-йил бошларида масалага ёндашувда айрим ўзгаришларни кўриш мумкин. Бу айниқса совет судлари фаолиятига бағишланган тадқиқотларда¹⁸ яққол кўринади.

Мустақиллик йилларида мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларда муаммо янгича қарашлар ва методология асосида ҳолисона очиб берилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу йилларда тарихчи олимлар томонидан муаммонинг у ёки бу жиҳатлари ёритилган қатор монографиялар¹⁹, фундаментал тадқиқотлар ва муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган илмий адабиётлар²⁰, номзодлик ва докторлик диссертациялари²¹ яратилди. Хусусан, Д.Комолов ўзининг номзодлик

¹⁶ Синайский Э. У истоков советской адвокатуры // Советская юстиция. – 1967. – № 21. – С. 17-21; Дубровинский Б. Органы юстиции: развитие функций, структуры, методов управления // Советское государство и право. – Москва, 1978. – № 4. – С. 99-106.

¹⁷ История советского государства и права Узбекистана / Отв ред. Х.С.Сулайманова., А.И.Ишанов. Т. 1. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960. – 511 с.; Адвокатура в СССР / Ред коллегия: К.Н.Апраксин и др. – Москва: Юрид. лит, 1971. – 224 с.; Семенов В. Суд и правосудие в СССР / Учебник для студентов высших учебных заведений. – Москва: Юридическая литература, 1976. – 375 с., Нотариат в СССР / Учеб. Пособие. Под ред. Л.Ф.Лесницкой. – Москва: Юрид. лит, 1985. – 160 с.

¹⁸ СССР да суд тузилиши. Суд, прокуратура ва юстиция органларида ишларни ташкил этиш. Ўқув қўлланма // Масъул муҳаррир. Ғ.А.Ахмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 156 б.; Портнов В., Славин М. Становление правосудия Советской (1917–1922 гг.). – Москва: Наука, 1990. – 167 с.

¹⁹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.; Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007. – 158 б.; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012. – 272 б.; Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати. – Тошкент: Navto'z, 2020. – 168 б.

²⁰ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – 672 с.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000. – 688 б.; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Тошкент: Университет, 2002. – 168 б.; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Ўзбекистон 1917–1939 йилларда. 1-китоб / Масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston НМИУ, 2019. – 570 б.

²¹ Кошанов Б. Большевики в Туркестане (1918–1922 гг.). Доктрина и реальность: Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Москва, 1995. – 45 с.; Ҳайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917–1924 гг.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 28 с.; Ражабов Қ. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.): Автореф. дис... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 64 с.; Ерметов А. Туркистон АССР да назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 йиллар): Тарих фан. номзод. дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – 27 б.; Ражапов Э. Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати (1917–1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 55 б.

диссертациясида²² Туркистон АССРдаги суд тизими фаолиятини ёритиб берган. Тадқиқотчи ТАССРдаги ҳар бир суд муассасалари жумладан, халқ судлари, инқилобий, ҳарбий ва темир йўл трибуналлари фаолиятига алоҳида тўхталиб, мавзу доирасида ўзининг муҳим хулосаларини келтирган. А.Абдуллаев эса ўз тадқиқотида²³ Амударё бўлимнинг маъмурий-бошқарув тизими билан бир қаторда, бўлимда суд-ҳуқуқ соҳасида совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган ишлар, суд ва прокуратура органларининг ташкил қилиниши, адлия органлари фаолиятига доир қабул қилинган декрет, йўриқнома, низомларнинг мазмун-моҳияти каби масалаларни кенг турдаги архив манбаларидаги маълумотлар асосида ёритиб берган.

Бундан ташқари мустақиллик йилларида ҳуқуқшунослар томонидан ҳам мавзунинг айрим жиҳатларини очиб берган илмий асарлар²⁴, диссертацион тадқиқотлар²⁵ яратилди. Уларда совет прокуратураси, Олий суд, маҳаллий судларнинг совет суд тизимида тутган ўрни, адлия тизимининг шаклланиши каби масалалар таҳлил қилинган. Ҳуқуқшунос олимлар адлия органларининг бугунги кундаги фаолияти билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиб, тадқиқотларда адлия тизимининг 1918–1924 йиллардаги аҳволига ҳам қисқача тўхталиб ўтишган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хорижий адабиётларда хусусан, Ғарб тарихшунослигида Туркистоннинг 1918–1924 йиллардаги тарихига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар яратилиб, уларда совет адлиясининг фаолияти ва суд-ҳуқуқ тизимига ҳам тўхталиб ўтилган²⁶. Кейинги йилларда ҳам қатор хорижлик олимлар хусусан, М.Якобсон Ж.Кодевилла, Б.Ҳайит, П.Сартори, П.Бернеларнинг изланишларида²⁷ ҳам совет суд-ҳуқуқ тизими ва ўлка адлия органлари фаолиятининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.

²² Комолов Д. Туркистон АССРда суд тизими тарихи (1917–1924 йиллар): Тарих. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008. – 141 б.

²³ Абдуллаев А. Амударё бўлимида сиёсий-маъмурий бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар (1873–1924 йй.): Тарих фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – 54 б.

²⁴ Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. – Тошкент, 1991. – 107 б.; Унинг ўзи. Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. – Тошкент, 1991. – 108 б.; Мингбоев У. Олий суд: кеча ва бугун. – Тошкент: Камалак, 1994. – 72 б.; Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Тошкент: Адолат, 1996. – 44 с.; Рустамбоев М. Тўхташева У. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Икки жилдли). 2-жилд. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – 401.

²⁵ Азизхўжаев А. Давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг назарий муаммолари: Юрид. фан. докт. дисс... – Тошкент, 1992. – 282 б.; Ишанова Ш. Нормы шариата и применение их казийскими судами в Средней Азии до 1924 года: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1992. – 26 с.; Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане: Дисс... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1993. – 327 с.

²⁶ Samuel Kucherov. The Organs of Soviet Administration of Justice: Their History and Operations. – Leiden: E. J. Brill, 1970. – P. 754.

²⁷ Michael Jakobson. Origins Of The Gulag: The Soviet Prison Camp System, 1917–1934. – Lexington, Kentucky: University Press of Kentucky, 1993. – P. 192; Giovanni Codevilla. Dalla rivoluzione bolscevica alia Federazione Russa: Traduzione e commento dei primi atti normativi e dei testi costituzionali. – Milano, 1996. – P. 540; Baymirza Hayit. “Basmacilar”. Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917–1934). – Ankara, 1997. – S. 367; Paolo Sartori. What Went Wrong? The Failure of Soviet Policy on sharia Courts in Turkestan, 1917–1923 // Die Welt des Islams Vol. 50, Issue 3/4, A Muslim Interwar Soviet Union (2010). – Pp. 397-434; Piers Beirne. Revolution in Law: Contributions to the Legal Development of Soviet Legal Theory, 1917–38. – Chicago: Taylor and Francis, 2017. – P. 217.

“Туркистон АССРда совет адлия тизимининг ташкил этилиши ва фаолияти (1918–1924 йиллар)” деб номланган иккинчи бобда Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлигининг тузилиши, вазифалари ва фаолияти, ўлкада совет бошқарув тизимининг мустаҳкамланишида суд муассасаларининг тутган ўрни каби масалалар ёритиб берилган.

Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 23 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилди²⁸. Унга дастлаб В.Залесский раҳбар этиб тайинланди. 1918 йил май ойида Адлия халқ комиссари этиб тайинланган Хусаин Ибрагимов Советларнинг 1918 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган Умумтуркистон съездида “... комиссарликнинг 1917 ноябрдан бери амалда фаолият кўрсатмаган”лигини айтиб ўтади²⁹.

1918 йилда комиссарлик марказий бошқаруви совет судлари, маҳаллий судлар, камоқхоналар бошқармаси бўлимларидан ҳамда комиссарлик ҳузуридаги маслаҳат кенгаши ва канцеляриядан иборат эди. Комиссарлик иш фаолиятини тартибга солишда 1918 йил 28 августда Туркистон МИҚ томонидан қабул қилинган 3 бўлим, 21 банддан иборат “Туркистон Республикаси Адлия комиссарлиги тўғрисида вақтинчалик Низом” муҳим роль ўйнади. Ўлка Советларининг 1919 йилда бўлиб ўтган VII съездида комиссарликнинг асосий фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Унга кўра, Туркесепубликада инқилобий қонунчиликни мустаҳкамлаш ва унинг ягона тизимини ишлаб чиқиш комиссарликнинг умумий фаолиятини ташкил қилди. Бундан ташқари, комиссарликка қисқа давр мобайнида “ягона халқ судлари тўғрисида”ги қонунни ўлка ҳаётига жорий қилиш вазифаси ҳам топширилди. Туркистон МИҚ томонидан қабул қилинган “Адлия бошқармалари тўғрисида Низом”га мувофиқ комиссарлик 1919 йилдан жойларда ташкилий, маъмурий-юридик ҳамда юрисконсултлик вазифаларини бажара бошлади.

Туркистон МИҚнинг 1920 йил 20 июлдаги “Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низом”и асосида комиссарлик таркибига яна ўзгариш киритилиб, суд қурилиши ва суд назорати, қонунларни чоп қилиш, режалаштириш ва бухгалтерия, жазо бўлимлари фаолият кўрсата бошлади³⁰. Улардан 1-2 ва 4 бўлимлар муҳим ролни бажарган. 1920 йилдан вилоят ижроия кўмиталари қошида асосий вазифаси комиссарликнинг кўрсатмалари асосида жойлардаги судлов органлари ва жазо бўлимлари фаолиятига доир ташкилий ҳамда маъмурий чоратadbирларни ишлаб чиқишдан иборат бўлган вилоят адлия бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Комиссарликнинг 1920 йил июлидаги қарори асосида уездларда эса уезд адлия бюрolari ташкил қилинди. Дастлаб Авлиёота, Черняев, Наманган, Полторацк, Казалинск, Верний, Пишпак, Андижон, Самарқанд уездларида адлия бюрolarининг фаолияти йўлга қўйилди³¹. Туркистон МИҚнинг 1921 йил 13 июндаги 62-сонли қарори билан

²⁸ Сборник декретов и постановлений СНК ТАССР от 23.XI.1917 по 1.VII.1918 г.

²⁹ ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 236-варақ.

³⁰ ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 76-иш, 48-варақ.

³¹ ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 487-иш, 25-варақ.

комиссарликка Олий суд назоратини олиб бориш ҳуқуқи берилди. Унга кўра комиссарлик барча суд органларининг қонуний кучга кирган ҳукмларини қайта кўриб чиқиб, белгиланган қонунларга зид деб топса суд қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлди. 1921 йил августда комиссарлик инқилобий трибуналлар ва халқ судларининг 57 та қарорини назорат тартибида кўриб чиқиб, чиқарилган 51 та ҳукмни ўз кучида қолдирган³².

1922 йилдан бошлаб Адлия халқ комиссарлигининг асосий вазифаси суд органлари ва давлат прокуратураси орқали жойларда инқилобий қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборат эди. Шунингдек, ўлкада совет қонунларини тизимлаштириш ишлари бошланди. Бу жараёнга комиссарлик ходимлари Федяев, Стати, Алексин, Глусский ва Есауловлар масъул қилиб тайинланди. Туркистон МИҚнинг 1923 йил 12 майдаги 77-сонли қарори асосида Туркистон Адлия халқ комиссарлигига оид янги Низом қабул қилиниб, комиссарлик марказий бошқарувида 1923–1924 йилларда маъмурий-молиявий, суд тузилиши ва суд назорати, қонунчилик ташаббуси, давлат прокуратураси бўлимлари фаолият кўрсатди³³.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, дастлабки даврда судлов органлари вазифасини шаҳар ижроқўмлари таркибида ташкил этилган тергов комиссиялари ҳамда халқ инқилобий судлари ва инқилобий трибуналлар бажарди. 1917 йилнинг 24 ноябрида РСФСР ҳукумати томонидан қабул қилинган “Суд тўғрисида”ги биринчи Декрет асосида Туркистон ХКСнинг 1917 йил 12 декабрда “Суд тўғрисида”ги 17-сонли буйруғи қабул қилинди³⁴. Бироқ совет судларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятида кўплаб зиддиятли ҳолатлар юзага келиши натижасида империя судларининг ўлкадаги фаолияти қонуний жиҳатдан тан олинди. Туркистон МИҚ томонидан 1918 йил 16 ноябрда тасдиқланган йўриқнома асосида 1918 йилдан бошлаб, ўлкада маҳаллий халқ судлари, маҳаллий халқ судларининг вилоят кенгаши, округ халқ судлари ва Туркистон кассация суди каби совет судлари тизими йўлга қўйилди³⁵.

Аксилинқилобий ҳаракатларда қатнашиш, меҳнатдан бўйин товлаш, порахўрлик, мол-мулкни талон-тарож қилиш, чайқовчилик, ҳужжатларни қалбақлаштириш, совет давлати ҳужжатларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, безорилик ва жосуслик билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш мақсадида 1918 йилдан ТАССРда дастлабки инқилобий трибунал судлари ташкил қилинди. Туркистон МИҚнинг 1918 йил 18 сентябрдаги чиқарилган декретига мувофиқ ўлканинг йирик шаҳарларида ҳам инқилобий трибуналлар ташкил қилина бошланди. Оғир сиёсий жиноятларни кўриб чиқиш учун эса Туркистон МИҚнинг 1918 йил 14 сентябрдаги қарори

³² Сулейманова Х. Исторический очерк о создании советских судов в Узбекистане // Советское государство и право. – 1949. – № 3. – С. 65; Расулев А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат, 1957. – С. 67.

³³ ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 406-иш, 4-варақ.

³⁴ Сборник декретов и приказов Совет Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. с 23 ноября 1917 года по 1 июля 1918 г. – Ташкент., 1918. – С. 2.

³⁵ ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 163-178-варақлар.

асосида Олий инқилобий трибунал тузилиб, унинг биринчи раиси этиб К.Сорокин сайланди³⁶.

РСФСР ҳукуматининг 1918 йил 30 ноябрдаги “Ягона халқ судлари тўғрисида”ги Низоми асосида Туркистон МИҚ томонидан 1919 йил 6 майда қабул қилинган қарор билан ТАССР оқуруг халқ судлари ўрнида ягона халқ судлари жорий этилди³⁷. Халқ судлари раислари дастлабки даврда жойлардаги ижроия кўмиталари томонидан сайланган ва вазифасидан озод қилинган. Халқ судлари томонидан айбдорларга нисбатан насиҳат қилиш, жамоатчилик танбеҳи, касаба уюшмасидан вақтинчалик ёки бутунлай чиқариб юбориш, келтирилган зарарни тиклаб бериш ёки ўрнини тўлдириш, хизматдан бўшатиш, мол-мулкнинг бир қисмини ёки бутунлай мусодара қилиш, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, инқилоб ёки халқ душмани сифатида эълон қилиш, озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда мажбурий ишларга жалб қилиш, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва бошқа турдаги жазолар қўлланилган. Туркистон ХКСнинг 1919 йилдаги 38-сонли буйруғига асосан Туркистон кассация суди тугатилиб, унинг вазифалари мусулмон ва совет суд бўлимларидан таркиб топган маҳаллий халқ судларининг вилоят кенгашлари (совнарсуд)га топширилди³⁸. Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, бу даврда фуқаролар асосан фавқулодда комиссиялар ва инқилобий трибуналларнинг қарори асосида озодликдан маҳрум қилинган. Содир этилган жиноятларнинг кўпчилиги ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган (жами жиноий ишларнинг 30,8 %). Жиноий ишларнинг 15 % ини мулкни талон-тарож қилиш, ўғирлик ва бошқа шунга ўхшаш жиноятлар, 8,3 % сиёсий жиноятлар, 5,2 % шахсга тажовуз қилиш, 2 % чайқовчилик, 38,7 % ини эса бошқа жиноятлар ташкил қилган³⁹.

Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1922 йил ишлаб чиқилган “қозилар ва бий судлари тўғрисидаги Низом” лойиҳаси анча тортишув ва баҳслардан сўнг, Туркистон МИҚ томонидан тасдиқланди. Низомга асосан бутун республикада ягона халқ судлари билан бир қаторда фаолияти 1919 йилдан тугатилган маҳаллий судлар қайта ташкил қилина бошланди. 1922 йил Фарғона вилоятида 122 та, Самарқанд вилоятида 71 та, Сирдарё вилоятида 27 та маҳаллий судьялар фаолияти йўлга қўйилди⁴⁰.

Туркеспублика суд тизимида кейинги йилларда қилинган ўзгаришларга 1922 йил ноябрда РСФСР ҳукумати томонидан қабул қилинган “Суд тизимини куриш тўғрисидаги Низом” асос бўлди⁴¹. Ушбу Низом бўйича ТАССР МИҚ томонидан ишлаб чиқилган махсус Декретда ўлкада РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими, вилоят судлари, халқ судлари ва қозилик судлари каби судлов тизими ташкил қилинди. 1923 йилнинг

³⁶ Комолов Д. Туркистон АССР суд тизими тарихи (1917–1924 йиллар): Тарих. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008. – Б. 60.

³⁷ Известия ТуркЦИК. 10 мая 1919 г.

³⁸ ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 39-варақ.

³⁹ ЎзМА Р-17-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 37-варақ.

⁴⁰ ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 269-иш, 212-215-варақлар.

⁴¹ http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_1438.htm (11.04.2019).

ўрталарида Туркистонда 175 та халқ судлари мавжуд бўлиб, Сирдарё вилоятида 55 та, Самарқанд вилоятида 28 та, Фарғона вилоятида 32 та, Туркман вилоятида 24 та ва Еттисувда 36 та халқ судлари фаолият кўрсатган⁴².

ТАССР Адлия халқ комиссарлигининг 1923 йил 15 январдаги 2-сонли қарори билан Туркман, Тўрткўл ва Еттисув вилоятларида қозилик судлари тугатилиб, уларнинг барча ваколатлари халқ судларига берилди⁴³. Адлия халқ комиссарлигининг 3-сонли қарори асосида эса Фарғона вилоятининг барча уездларида мавжуд бўлган бийлик судлари фаолияти ҳам тўхтатилди. Туркистон МИҚ ва ХКСнинг 1924 йилда қабул қилган тегишли қарорлари асосида қозилик судлари давлат таъминотидан маҳрум қилиниб, уларнинг таъминоти маҳаллий судларга эҳтиёж сезган шахслар ҳисобига ўтказилди. Оқибатда 1924 йил охирларига келиб, ўлкада қозилик судларининг сони 350 тадан 72 тага тушиб қолди⁴⁴.

Диссертациянинг учинчи боби **“Прокуратура, адвокатура ва нотариат органларидаги ўзгаришлар”** деб номланган бўлиб, Туркистонда совет прокуратураси фаолиятининг йўлга қўйилиши, унинг ўзига хос жиҳатлари, адвокатура ва нотариат идоралари фаолиятидаги ўзгаришлар ҳамда адлия органларидаги кадрлар масаласи таҳлил қилинган.

Туркистон ХКСнинг 1917 йил 12 декабрда қабул қилган қарори асосида собиқ империя прокуратураси фаолияти бекор қилинди. Аммо бу даврда ҳам фаолият кўрсатаётган империя судларида прокурор назорати мавжуд эди. Ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилган бўлса-да, дастлаб прокуратура органлари ташкил қилинмади. ТАССРда давлат прокуратураси тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш жараёни 1922 йил бошларидан бошланди. Дастлаб ушбу қонун ҳужжати 1922 йилнинг 23 мартада Адлия комиссарлигининг 8-мажлисида кўриб чиқилган бўлса, сўнгра Туркистон Компартияси Марказий кўмитасида, ХКС мажлисида ҳам муҳокама қилинди. Узоқ баҳслардан сўнг Туркистон МИҚ томонидан 1922 йил 9 майда “Давлат прокуратураси тўғрисида”ги Низом қабул қилинди ва 3 июндан қонуний кучга кирди⁴⁵. Ушбу Низом узоқ вақт амалда бўлмай, Туркистон МИҚнинг 1922 йил июлдаги қарори асосида бекор қилиниб, 1922 йил 31 октябрда прокуратура фаолиятига доир бошқа Низом амалиётга жорий қилинди⁴⁶. Бу даврда Адлия комиссари бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳисобланган. Комиссарлик таркибидаги прокуратура бўлими бошлиғи эса унинг ўринбосари бўлган⁴⁷. Вилоятларда вилоят прокурори, унинг ўринбосари ҳамда вилоят судлари ҳузуридаги вилоят прокурори ёрдамчилари фаолият юритган. Комиссарликнинг 1922 йил 15 майдаги 66-

⁴² ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 17-варақ.

⁴³ ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 404-иш, 15-варақ.

⁴⁴ Вестник юстиции Узбекистана. – 1925. – № 2-3. – С. 57.

⁴⁵ Известия ТурЦИК. 3 июня 1922 г; ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 748-иш, 42-варақ.

⁴⁶ ЎзМА Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 37-варақ; Маннанов В. Борьба за укрепление социалистической законности в ТАССР в создание советской прокуратуры: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1967. – С. 16.

⁴⁷ История советской прокуратуры в важнейших документах. – Москва: Юрид. изд, 1947. – С. 301.

